



ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ
РЕКТОРИНИНГ 207 - СОНЛИ БУЙРУҒИ

Тошкент шаҳри

2022 йил «30» ИЮНб.

*Қўшма таълим дастурларини
мувофиқлаштирувчи бўлим
битирувчи талабаларининг
битирув ва диплом олиш
маросимини ташкил этиш
тўғрисида*

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 8 октябрдаги ПФ-5847-сонли “Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги фармони ҳамда 2019 йил 11 июлдаги ПҚ-4391-сонли “Олий ва ўрта махсус таълим тизимида бошқарувнинг янги тамойилларини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорида белгиланган вазифалар ижросини таъминлаш, шу билан бирга Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 6 июлдаги 421-сонли “Ўзбекистон Республикаси ва хорижий ҳамкор олий таълим ташкилотларининг қўшма таълим дастурлари асосида таълим фаолиятини ташкил этиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида”ги қарори ижросини таъминлаш мақсадида

Б У Ю Р А М А Н:

1. Ёшлар масалалари ва маънавий-маърифий ишлар бўйича биринчи проректор С. Худойқулов, Кремс АФУ қўшма таълим дастури тайёрлов курси раҳбари Ф. Сулеймановга:

Мутахассислар ҳамда илмий-педагогик кадрлар тайёрлаш тизимини, илм-фан ва таълим узлуксизлиги, шунингдек, жаҳон таълим ҳамжамиятига интеграциясини намоён этиш мақсадида илк бор Тошкент давлат иқтисодиёт университети ва Кремс амалий фанлар университети (Австрия) ҳамкорлигидаги қўшма таълим дастурини битирувчи талабаларнинг битирув ва диплом олиш маросимлари жорий йил 8 июль куни тантанали равишда ва юқори савияда ўтказилсин.

2. Халқаро ҳамкорлик бўйича проректор Д. Рахмоновга:

Кремс амалий фанлар университети (Австрия) ректори и.ф.д., проф. Карл Еннсфеллнер ва Кремс амалий фанлар университети Президенти Ҳеинз Бойерларга хатларни тайёрлаш, уларга ташриф қоғозларини, кутиб олиш, кузатиш вазифаси юклансин.

3. ТДИУ Ахборот хизмати бошлиғи А. Қўшбақовга:

Тошкент давлат иқтисодиёт университети ва Кремс амалий фанлар университети (Австрия) ҳамкорлигидаги қўшма таълим дастурини битираётган

талабаларнинг битирув ва диплом олиш ишларини оммавий ахборот воситаларида кенг ёритиш юклансин.

4. Молия-иқтисод ишлари бўйича проректор М. Юлдашев, Режа-молия бўлими бошлиғи Ш. Якубов, Бош ҳисобчи в.в.б. Н. Саматовага:

4.1. Тадбирни ўтказиш билан боғлиқ барча харажатларни, шу жумладан битирув маросими учун декорация ҳамда баннер, тушлик ва кечки овқатлар, хорижий меҳмонларни кутиб олиш ва қузатиш билан боғлиқ харажатларни молиялаштириш.

4.2. Битирувчи талабаларнинг тантанали диплом бериш маросимида талабалар учун ижарага мантيا, университет логотипи туширилган кўкрак нишони, диплом иловасини ўраш учун лента, аъло баҳоларга битирган талабаларга ташаккурнома учун рамка ва статуэтка, кофе-брейк ташкил этиш мақсадида сарф этиладиган барча харажатларни қоплаш учун Қўшма таълим дастурларини мувофиқлаштирувчи бўлим маблағлари ҳисобидан маблағ ажратилсин.

5. Тадбирларни ўтказиш билан боғлиқ харажатлар сметаси 1 -иловага мувофиқ тасдиқлансин.

6. Ушбу буйруқнинг ижросини назорат қилишни ўз зиммамда қолдираман.

Ректор



К. Шарипов

Тошкент давлат иқтисодиёт университети ҳамда Кремс АФУ қўшма таълим дастурларини мувофиқлаштирувчи бўлим битирувчи талабаларининг битирув ва диплом олиш маросимини ташкил этиш ва тадбирларни ўтказишлишининг харажатлар

СМЕТАСИ

1. Табирни ўтказишда битирувчиларга дипломлар, қўшма таълим кўкрак нишони ва сувенирлар билан тақдирлаш- 60950000 сум;
2. Саҳна декорацияси, гуллар, баннер, шарлар билан безаш ишлари – 15600000 сум;
3. Фуршет, минерал сувлар ва торт – 21650000 сум;
4. Ансамбль, доирачилар ва раққосалар – 19000000 сум;
5. Тошкент давлат иқтисодиёт университети ҳамда Кремс АФУ қўшма таълим дастурлари бўйича ташриф буюрган халқаро меҳмонларининг тарихий диққатга сазовор жойларга олиб бориш, тушлик ва кечки овқатланишларни ташкиллаштири- 30000000 сум;

ТДИУ ва Кремс АФУ тайёрлов
курсининг курс раҳбари:



Ф.Сулейманов